

12. Усмон Носир. “Шеърим” шеъри. Унутмас мени боғим. – Т.: 1988.
 13. Усмон Носир. Боғим шеъри. Унутмас мени боғим. – Т.: 1988.
 14. Жаҳон адабиёти журнали. 2010-йил 7-сон.116-бет
 15. С.Мирвалиев, Р.Шокирова. Ўзбек адиблари. – Т.: 2007.
 16. Н.Жўраев, Агар огоҳ сен... – Т.: 1998.
 17. И.Фофуров. Қисматнинг овози. kh-davron.uz
-

ҲАМЗА – ЖАДИД АДАБИЁТИНИНГ АСОСЧИЛАРИДАН БИРИ

*Азимжон Давронов,
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили
ва адабиёти университети ўқитувчиси*

Тошкент шаҳридаги миллий академик драма театри, Яшнобод туманинг аввалги номи, ёзувчи ва шоирлар учун таъсис этилган мукофотнинг номи, метронинг “Чилонзор – Буюк ипак йўли” йўналишидаги бир бекатнинг номи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи билан аталар эди... Номаълум сабабларга кўра унинг номи олиб ташланди. Нимага? Унинг номи бундай шарафланишга муносиб эмасмиди?

Ҳамза, аввало, улуг бир инсон эди. Мўмин-мусулмон эди. Миллатнинг, давлатнинг жонкуяр фидойиси эди. Ўзбек, рус, форс-тожик, араб тилларини мукаммал биладиган маърифатпарвар педагог эди. Ҳамза – миллатни, халқни ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи эди. Ҳамза нафақат шоир ёки ёзувчи, балки ўзбек драматургиясининг асосчиси, биринчи ўзбек драматурги, бастакор, ўзбек театрининг асосчиси ҳам эди. Ҳамза Фарғонада бўладими, Қорақалпоғистондами элнинг дарди билан ёнди, қаерда бўлмасин мактаб очиш, авом халқни саводли қилиш, миллат қалбига маърифат уруғини сепишиш ишлари энг биринчи вазифаси бўлди.

Танқиду тазиикка учраган ўша машур “Ўзбек хотин-қизларига” шеъри, бугунги кунда тез-тез тилга олинаётган гендер тенгсизликни олдини олиш, уларни маърифатли қилиш ҳақида ёзилган шеър эди:

Ўзбек хотин-қизларига.

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи
Илм-у фан тифи бирла жаҳл бағрини қон қил.
Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.

Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир,
Кел, бугун бу захмингга маърифатни дармон қил.
Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни
Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.
Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултиргил,
Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон қил.
Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб кўзга сурмайи Сулаймон қил.

XX аср ўзбек адабиёти тарихида қандай мукофот таъсис этилган бўлса, ўша мукофотга биринчи ўринда Ҳамза муносиб эди. Унинг номи билан аталиши керак бўлган жойларнинг ҳаммасига манзур эди. Сўзимизнинг исботини қуидаги ёзувчиларнинг фикрлари тўлақонли тасдиқлайди.

Дастлаб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ҳамза Ҳакимзода ҳам замондошлари Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Қодирий, Мунаввар кори сингари XX аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг олдинги сафларида фаол иштирок этган, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд қўтарган, Туркистон мустақиллиги учун астойдил курашган, ўз халқининг эркин яшашини орзу қилган миллатпарвар зиёли эди. У халқини маърифатли қилиш йўлида ҳам амалий, ҳам ижодий фаолият кўрсатди.

Ҳамза Ҳакимзода ўзбек адабиётининг барча жанрларида сермаҳсул ижод қилган санъаткордир. 10-11 ёшидан шеър ёза бошлаган Ҳамза 25 ёшида “Девони Нихоний” китобини нашр эттириди. Девонга унинг 15 йил ичида ёзган 177 та шеъри киритилган. Улардан 150 таси ғазал, қолгани турли жанрларга оид лирик асарлардир. Илк девонидаёқ Ҳамза зуллисонайн ижодкор сифатида намоён бўлди. Девондаги 165 та шеър ўзбек, 10 таси тоҷик тилида, 2 та шеър эса ширу шакар шаклида ўзбекча - русча сўзлар аралаштириб ёзилган. Шакл ва мазмундаги бундай янгиликлар, шубҳасиз, шоирнинг чиндан ҳам XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшганини кўрсатади. Айни чоғда у ўзбек халқ оғзаки ижоди, бой мумтоз адабиётимизнинг барҳаёт илдизларидан баҳраманд бўлиб, анъаналарга қатъий амал қилган ҳолда замонга мос янгиликлар ҳам кашф этди [1].

Йирик санъаткор Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, ўрни ва ролини ихчам тарзда қуидагича баҳолаш мумкин:

– Ҳамза Ҳакимзоданинг адабий мероси XX аср ўзбек адабиётининг ривожланиши ва бойишида муҳим аҳамият касб этади. У ҳақли равишда янги типдаги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири бўлиб қолади;

– Ҳамза Ҳакимзода жадидчилик ҳаракатининг фаол вакилларидан бири бўлиб, халқини маърифатли қилиш йўлида ҳам ижодий, ҳам амалий, ҳам

ижтимоий фаолият қўрсатди. Янги усул мактаблари очиш билан бирга замондошлари Беҳбудий, Авлоний, Мунаввар қори сингари “Ўқишикитоби”, “Қироат китоби”, ”Енгил адабиёт” деб номланган дарсликлар яратди ва ўз ҳисобидан нашр эттириди;

– Ҳамза Ҳакимзода новатор шоир сифатида Фитрат, Чўлпонлар қаторида ўзбек шеъриятининг шаклан ва мазмунан янгиланишига чиндан ҳам катта ҳисса қўшди. Шоирнинг 7 бўлимдан иборат “Миллий ашуалалар учун миллий шеърлар” номли мажмуаси ҳамда аruz вазни қолипларини ёриб чиқишига интилгани, қўплаб шеърлари бармоқ, ҳатто эркин (“Ер ислоҳоти”, “Мажлисдан кейинги кузатишда”, “Қутлуғ бўлсин”) вазнларда, сарбаст усулида ёзилгани, ўзбек реалистик насрини бошлаб бергани унинг новаторлигини қўрсатувчи ғоят муҳим далиллардир;

– “Роман” атамасини биринчи бўлиб истеъмолга олиб кирган ҳам, шу номдаги асарни биринчи бўлиб ёзган ҳам (гарчи жанр талабларига тўла жавоб бера олмасада) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир. Унинг 1926 йилда ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида қайд этилишича, 1908 йилда Намангандаги яшаб ишлаб юрганида “Ҳақиқат кимда” исмли ҳавосиз опералик роман ёзған эдим, ўғирлатдим, буқунки, топилмайдир”. Шу далилнинг ўзи уни яна бир бор юксаклик босқичига кўтара олади;

– Ўзбек драматургиясининг дунёга келиши, жанрларининг кўпайиши ва ривожланишида Ҳамза Ҳакимзоданинг ўрни, шак-шубҳасиз, бекиёсдир. Гарчи драманинг ilk намунаси Беҳбудий томонидан ёзилган бўлса ҳам бу адабий турнинг барча жанрларида етук асарлар яратиш унинг зиммасига тушди. Яна шуниси ҳам муҳимки, у ўзбек адабиётида биринчи бўлиб драматик трилогия (“Лошмон фожиаси”, 1916-19 й.), драматик тетралогия (“Фарғона фожиаси”, 1918-20 й.), шеърий драмалар (“Сайлов олдидан”, “Ел қузғунлари”)ни адабиётимиз хазинасига олиб кирди. Бу фактлар ўзбек драматургиясининг том маънодаги асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бўлганини яна бир бор тасдиқлайди [2].

Академик Наим Каримов ёзади: “XX аср бошларида туғилган ва шаклланган жадид адабиёти ўз олдига янги адабий бадиий вазифа қўйди ва вазифани ўташ жараёнида шу вақтга қадар адабиётимиз хазинасида бўлмаган янги адабий тур ва жанрлар, тасвир воситалари ва усулларининг юзага келишини тақозо этди”. Бинобарин, бугунги, замонавий ўзбек адабиёти айнан кейинги янгиланиш йўлидан, жадидлар бошлаб берган қутлуғ йўлдан ривожланиб бораётганлигининг ўзиёқ адабиётимизда юз берган сўнгги туб бурилишнинг нақадар аҳамиятли эканини қўрсатади. XX ва XXI аср мобайнида адабиётимизнинг деярли барча соҳаларида юз берган асосий ўзгаришлар, янгиланишлар ана шу иккинчи туб бурилиш майдонида содир

бўлди ва бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки туб бурилиш бўлиши учун истакнинг ва ҳатто истеъдоднинг ўзи етмайди. Бунинг учун даврнинг қўйнида янгиланиш эҳтиёжи пайдо бўлиши керак. Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар ана шундай эҳтиёж туғилган пайтда дунёга келдилар. Гарчанд уларнинг шахсий қисматлари фожиали якун топган эса-да, (биронтаси ўз ажали билан ўлмаган, аксинча, янги ўзбек адабиёти йўлбошловчиларининг ҳаммаси айни ижодлари гуллаган вактда қатағон қилинган!) номлари зикр этилган улуғлар ижодкор сифатида чиндан-да баҳтлидирлар [2].

Ҳамза – серқирра ижодкор. Умуман, серқирралиқ жадид ижодкорларининг аксарига хос. Ҳамза – улуг драматург, Ҳамза – анъана ва новаторликни бирлаштирган шоир, Ҳамза – бошловчи носир, Ҳамза – ўткир публицист, Ҳамза – моҳир педагог, Ҳамза – миллий композитор, Ҳамза – оташин нотик, Ҳамза – режиссёр, Ҳамза – театр арбоби... Булардан ташқари, ҳалқимизнинг бу фидойи ўғлони юртнинг келажаги – маърифат, маориф, адабиёт, таълим-тарбия йўлида амалга оширган ишларининг салмоғи жуда оғир тош босади. Бу қутлуғ йўлда Ҳамза молини ҳам, жонини ҳам аямаган. Бу гаплар шунчаки чиройли гаплар эмас. Ҳамза ва у каби ўнлаб улуг жадидларимизнинг тақдир йўллари чиндан-да бугунги замондош инсонни ҳайратга солишга қодир. Бу ўринда биз Ҳамза ижодий фаолиятининг тўрт қиррасига тўхталамиз, холос. Булар Ҳамзанинг драма, шеърият, наср ҳамда публицистика соҳаларидаги фаолиятидир [2].

Ҳамза драматургияси. XX аср аввалида ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янгиланишлар асрлар давомида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳида тараққий этиб келаётган ўзбек адабиётида драматик турни пайдо қилди. Драманинг туғилиши ўзбек адабиёти учун ҳудди роман жанри каби янги ҳодиса эди. Ҳамза ана шу ҳодисанинг бошида турди ва ўз драматик асарлари билан ўзбек драматургиясига асос солди. Мадомики, сўз шу масалага келиб тақалган экан, Ҳамза ва унинг ўзбек драматургиясидаги ўрни масаласида баҳсли қарашлар борлигини айтиш жоиз. Хуллас, масала қисқа ва лўнда баён қилинса, шундай ҳолга келади: Мирмуҳсин Шермуҳамедов (“Бефарзанд Очилдибой”, 1914 йил), Ҳамза (“Янги саодат ёхуд Миллий роман”, 1915) лар роман тажрибасига илк марта қўл урган бўлса-да, уларнинг ҳаракатлари бир тажриба, уриниш даражасида қолган эди. Қодирий эса “бир ҳамла”да “Ўткан кунлар” (1924) билан роман жанрининг риссоладаги талабларига жавоб берувчи йирик насрый асар яратган эди. Шунинг учун ҳам Қодирий ўзбек романчилигининг асосчиси дейилади. Ёхуд Навоийдан олдин Хоразмий, Лутфий, Атоий, Саккокийлар туркий тилда ашъор битгани билан бу тилдаги улуғ хизматлари туфайли айнан Алишер Навоийни ўзбек адабиёти ва адабий

тилининг асосчиси деймиз. Адабиётшунослик илмининг мана шу баҳолаш мезонини драматургия соҳасига тадбиқ қилингудек бўлса, қаршимизда қуидагича манзара қад ростлайди: гарчанд Маҳмудхўжа Беҳбудий “Падаркуш” (1911) номли 2,5 бетлик пьесаси билан ўзбек адабиётида пьеса ёзиб беришни бошлаган бўлса-да, драматургиянинг бутун талабларига жавоб берга оладиган пьесаларни айнан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (“Заҳарли ҳаёт” (1916), “Майсаранинг иши” (1926), “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши” (1927)ни ёзди. Булардан ташқари, “Бурунғи сайловлар”, “Жаҳон сармоясининг энг охирги қунлари”, “Қозининг сирлари”, “Ел қузғунлари” каби 1921 ва 1928 йиллар орасида ёзилган катта-кичик драмалари мавжуд. Бас, шундай экан, Қодирий ўзбек романчилиги асосчиси деган номга қанчалик сазовор ва ҳақли бўлса, Ҳамза ҳам ўзбек драматургияси асосчиси деган увонга шунчалар ҳақдор ва муносиб бўлиб кўринади. Албатта, ушбу масала юзасидан мавжуд фактларни турли йўсинда таҳлилу талқин этиб, бир-бирига қарама-қарши хулосаларни ўртага ташлаш мумкин. Аммо адабиёт илмининг баҳолаш критериялари ҳамма учун бир хил бўлишиadolatдан эканлигидан келиб чиқиладиган бўлса, Қодирийга раво кўрилганadolat мезони Ҳамзага келгандан таврини ўзгартирмаслиги лозим бўлади. Албатта, бу жиддий масаланинг бошқа нозик жиҳатлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай жиҳатлар истисно қилинмайди. Шунинг учун ҳам соҳа билимдонлари ушбу баҳсталаб масала бўйича асосли, илмий мушоҳадаларини қайтадан ўртага ташлашса, адабиётшунослик ва драматургия кесишган нуқтадаги битта муаммога ойдинлик киритилган бўларди. Нима бўлганда ҳам, ҳали драматургиямизнинг ҳам амалий, ҳам назарий саҳнасида амалга оширилиши, ҳал этилиши керак бўлган жуда кўп ишлар олдимизда турибди. Бунга, жумладан, Ҳамзанинг драма соҳасидаги ўта салмоқдор ижоди ҳам манба бўлиб хизмат қиласи [2].

Ҳамза диний олим эди. У саводини Намангандаги мадрасада чиқарган эди. Шунинг учун у Шоҳимардондаги найрангбозларнинг думини тувишга киришди. Ўша машъум думни олиб ташлашни буюриб, касалларга табибларга учрашни тавсия қиласи. Олтиариққа бориб келса, дум ҳалиям турган бўлади. Тўртта миршабнинг тепасида ўзи туриб, уларга думни олдираётган пайти... ўз тижоратидан айрилаётганини англаған хурофотчи, салласи катта, ақли ноқис “шайх”лар оломонни уларга қарши қайрайди. Оломон ким эди, биласизми? Ўша атрофдаги бўзахонада бўза ичиб ўтирган айшбозлар эди. Бўза дегани ароқ эканини билсангиз керак? Маст-аласт безорилар миршабларни ура бошлайди. Натижа нима бўлиши Ҳамзага маълум эди. Миршабларнинг сочидан бир тола соч тўкилса, қўшимча кучлар ташланиб, ҳаммасини қириб ташлар эди. Шунинг учун у оломонни

қайтаришга уринади. Бундан фойдаланган бир кимса кўзи қонга тўлган йигитларга “Асл айбдор аслида шу!” деб қора кучни унга йўналтириб юборади. Хуллас, Болта деган йигит Ҳамзанинг қорнига шартта пичоқ тортиб ташлайди. У гурсиллаб ерга йиқилади. Қотиллар шунда ҳам тўхтамай, девордан катта бир тошни қўчириб олиб, ўлган тананинг устидан тош билан уриб ўтаверадилар, ўтаверадилар... Кейин мажақланган танани тоғдан улоқтириб юборишади. (Бу ҳақда Ўзб.Давлат архивида Ф.р. - 1714, оп № 5, дело № 327, дело № 328 рақамлари остида "махфий" сақланаётган – "Убийство Ҳамзи Ҳакимзаде" – жилдтахламларини қўздан кечириб кўришингиз мумкин) [3].

Ҳамзанинг ҳаёти, жадид адабиётида тутган ўрни, серқирра ижоди, илм-фан, маданият, санъат, маърифатпарварлик соҳаларида қилган ишларининг ҳаммаси, юксак таҳсинга сазовор ва чуқур тадқиқ қилишга асос ва манба бўлиб хизмат қиласди. Ҳамза атиги 40 йил умр кўрди, унинг ижодий меросини 100 йилдан буён ўрганиб тугатолмаймиз. Агар ўртача 75-80 йил умр кўрганида эди, билмадим унинг ижодий меросини ўрганиш учун яна қанча вақт талаб қилинар эди, эҳтимол...

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдош Солижонов, филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. www.uza.uz сайти
2. Ҳамза – янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бирими? Улуғбек Ҳамдам Манба: www.uza.uz
3. Яқин ўтмишимизнинг энг ёрқин ва зиддиятли зиёлиларидан бири Ҳамзадир. Ёзувчи Набижон Боқий. Манба: azon.uz

ИБРОХИМ ДАВРОННИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

*Муҳајиён Қодирова,
Қўқон давлат педагогика институти
доценти, ф.ф.номзоди*

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари нафакат жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида, балки маданий-адабий жабҳаларда туб эврилишлар, янгича қарашлару янгича мақсадлар даври бўлиб тарих саҳифаларидан жой олди. Шубҳа йўқки, ана шу жиддий ўзгаришлар бошида